

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚҮМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 ЙИЛ  
ЯНВАРЬ-МАРТ**

**Самарқанд – 2018**

## СҮЗ БОШИ

Самарқанд вилоятининг статистик ахборотномаси – Самарқанд вилоятининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва худудлар холатини комплекс тавсифловчи Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри хисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь–март ойлари якунлари бўйича вилоятнинг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2018 йил бошидан, хисобот даври учун статистик кўрсаткичлар европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Рев.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган.

Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш, сув таъминоти, канализатсия тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизатсия қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг Б, С, Д, Е, Ф сексиялари).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгилangan таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Сексия А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, ялпи ички маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқарib ташланган).

Нашр 10 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвеститсион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

## Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	Фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	Миллиард	м.	—	марта
млн.	—	Миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўклиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	Квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	Километр	<sup>1)</sup> , <sup>2)</sup> , <sup>3)</sup> .....	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	Метр			

## МУНДАРИЖА

Номи	бет.
<b>Асосий иқтисодий кўрсаткичлар</b>	<b>7</b>
<b>I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ</b>	<b>8-9</b>
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	8
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши	9
<b>II. САНОАТ</b>	<b>10-13</b>
2018 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	10-11
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	12-13
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>14-21</b>
Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотлари	14
Мева-сабзавот маҳсулотлари	15
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши	15
2018 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони	16-17
2018 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	18
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби	19
2018 йил январь-мартда етиштирилган пилла хом-ашёси	20
2018 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	21
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>22-26</b>
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвеститсияларнинг тақсимланиши	22
2018 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган инвеститсияларнинг технологик таркиби	23
Асосий капиталган киритилган инвеститсиялар	24
Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш	25
Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти	26
<b>V. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)</b>	<b>27-28</b>

2018 йил январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши 27-28

## **VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ 29-35**

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича	29
Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар	30
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони ва улуши	31-33
Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари	34-35

## **VII. ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР 36-41**

2018 йилнинг январь-мартида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташки савдо айланмаси	36
2018 йил январь-мартда вилоят ташки савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши	37
2018 йилнинг январь-мартида вилоят экспорт-импорти таркиби	37-38
Ташки савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби	39
2018 йилнинг январь-мартида вилоят ташки савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси	40-41

## **VIII. ТРАНСПОРТ 42-43**

Юк ташиш ва Юк айланмаси транспорт турлари бўйича	42
Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	43

## **IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ 44-50**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси	44
2018 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби	45-46
Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари	46-48
Худудлар кесимида бозор хизматлари ишлаб чиқариш	48-49
Худудларнинг бозор хизматлари ишлаб чиқаришдаги улуши	50

## **X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ 51-57**

Доимий аҳоли сони	51-52
Аҳолининг табиий ҳаракати 2018 йил январь-мартда	52-53
Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузулиши, аҳолиниг мигратсия кўрсатгичлари	54-56
Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони	57

## Асосий иқтисодий күрсаткичлар

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ялпи ҳудудий маҳсулот</b>	<b>3584,8</b>	<b>103,0</b>
Саноат маҳсулоти	2314,0	98,4
Истеъмол товарлари	1050,3	102,4
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	565,4	102,0
Асосий капиталга киритилган инвеститсиялар	676,8	103,4
Курилиш ишлари	509,7	106,1
<b>Юк айланмаси (млн. тн-км)</b>	<b>211,9</b>	<b>101,4</b>
Йўловчи айланмаси (млн.йўловчи-км)	3169,0	102,7
Чакана товар айланмаси	2223,3	101,0
Хизматлар, жами	2150,4	106,1
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	277,1	129,0
Экспорт	65,5	124,4
Импорт	211,6	130,5
Салдо (+;-)	-146,0	133,5

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) хажми 3584,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 январь-мартга нисбатан 3,0 фоизга ўсади.


2018 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 119,8 фоизни ташкил қилди.

### Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	млрд.сўм		2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида
	2017 йил	2018 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>2905,2</b>	<b>3584,8</b>	<b>103,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2837,1	3465,2	103,0
Маҳсулотларга соғ солиқлар	68,1	119,6	102,4
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>2837,1</b>	<b>3465,2</b>	<b>103,0</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	259,4	353,0	102,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	874,2	1071,0	98,7
Саноат	694,1	843,2	96,8
Қурилиш	180,1	227,8	106,1
Хизматлар	1703,5	2041,3	105,3
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	367,8	455,2	103,0
Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	399,2	435,8	106,4
Бошқа хизматлари	936,5	1150,3	105,7

## Январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)

2017 йил



2018 йил



- Маҳсулотларга соғ солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Кишлоп, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Хизматлар
- Саноат (курилишни қўшган ҳолда)

2018 йилнинг январь-мартда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига таъсири қурилиш 6,6%, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (13,1 %) ва саноат (курилишни қўшган ҳолда) (30,9 %) тармоқларидағи ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 50,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-маргта нисбатан 1,7 бандга камайган.

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 58,9 фоизни ташкил қилди.

## II. САНОАТ

Вилоятда саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йилнинг январь-мартида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2314,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 98,4 фоизни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида 1050,3 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-мартга нисбатан 102,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 430,3 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 620,0 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари (2017 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 106,7 ва 99,6 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооператсияларини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-март ойларида 1025,3 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

### 2018 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
--	-----------	--------------------------------------

**Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари  
бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш  
ҳажми**

**2314,0                    98,4**

**Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш**                    **16,9                    126,7**

*ишу жумладан:*

Металл рудаларини қазиб олиш

-                    -

**Қайта ишлаш саноати**                    **2199,4                    97,1**

*ишу жумладан:*

Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки  
маҳсулотлари ишлаб чиқариш                    955,3                    101,7


Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва  
унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш                    541,5                    111,4

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
Ёғоч ва пўқак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	51,0	101,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	13,1	88,9
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,7	104,6
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	66,9	102,8
Асосий фарматсевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	9,6	94,7
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	84,3	112,9
Металлургия саноати	31,8	82,9
Автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим притсеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	445,2	76,3
<b>Електр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш</b>	<b>73,8</b>	<b>130,3</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализатсия тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизатсия қилиши</b>	<b>23,9</b>	<b>131,9</b>


## Иқтисодий фаолият турлари бүйінша саноат маңсулотларини ишлаб чықариш

(умумий ҳажмсга нисбатан фоиз ҳисобида)

**2017 йил январь-март**




**2018 йил январь-март**



- Ишлаб чықарадиган саноат
- Төғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлеш
- Електр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш
- Сув билан таъминлаш; канализацияция тизими, чиқиндиларни йифиш ва утилизацияцияция қилиш

### Ишлаб чықарылган халқ истеъмоли моллари, млрд.сўм

Истеъмол товарларини ишлаб чықариш	1050,3	102,4
<i>шу жумладан:</i>		
Озик-овқат товарлари	430,3	106,7
Ноозик-овқат товарлари	620,0	99,6



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини  
ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**


	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-март	2017 й январь- марта нисбатан %
<b>Қайта ишлаш саноати</b>			
Таркибида иккита таъминловчи элемент–азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар	минг тонна	4,3	43,3
Ароқ	минг л. 100% спирт	436,0	100,9
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коняк спиртидан ташқари			
Узум виноси	минг л.	233,4	100,0
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндилардан ташқари)	минг л.	5041,0	87,5
Юмшоқ буфдой ва спелта уни	минг тн.	37,4	99,2
Биринчи навли ундан тайёрланган буфдой нони(буханка), оғирлиги 600 г	тн	183,0	32,6
Тозалangan пахта ёғи ва унинг фраксиялари (кимёвий модификатсия қилинганларидан ташқари)	тн	3924,0	106,3
Пахта толаси	минг тн.	27,1	85,8
Пахта чигити	минг тн.	39,2	123,2
Пахта тивити (линт)	тн	2073	113,4
Иссиқлик электр марказлари (ИЕМ) ишлаб чиқарган электр энергияси			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси )	млн.кВт/с минг Гкал.	0,07 24,3	143,1 107,5

### III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти – ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажмларининг қийматини белгилаб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

2018 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажми 565,4 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,0 фоизни, шу жумладан, дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 561,7 млрд.сўмни (102,2 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 2,8 млрд.сўмни (102,2 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 0,9 млрд. сўмни (122,8 фоиз) ташкил қилди.

#### Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлирида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (2018 йил 1 апрель ҳолатига)




**Ҳосил йиғими.** 2018 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда 3,3 минг тонна сабзавотлар (100,7 фоизга кўп), 0,3 минг тонна мева ва резаворлар (106,5 фоизга кўп) етиштирилди.

**2018 йил январь-мартда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотлари тоифалар бўйича, тонна**




**Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

**2017 йил январь-март**



**2018 йил январь-март**



■ Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи)  
хўжаликлари  
■ Фермер хўжаликлари

■ Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга  
oshirovchi tashkilotlar

**Чорвачилик.** 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 102,8 фоизга (жами 1484,4 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,5 фоизга (650,1 минг бош), қўй ва эчкилар 100,4 фоизга (2303,6 минг бош), отлар 102,1 фоизга (24090 бош) ва паррандалар 109,3 фоизга (9949,5 минг бошга) ўсди.

Барча худудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 90,8 ва 3,9 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,4 ва 3,5 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 36,0 ва 13,1 фоизни ташкил этди.

**Чорва моллари ва паррандалар бош сони  
(2018 йил 1 апрель ҳолатига)**

	минг. бош	ўсиши суръати, %
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>1484,4</b>	<b>102,8</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	65,2	101,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1414,1	102,8
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,2	107,7
<b>Улардан сигирлар</b>	<b>650,1</b>	<b>101,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	25,1	114,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликла	623,7	101,1
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,3	80,8
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>2303,6</b>	<b>100,4</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	91,0	73,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2054,2	102,8
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	158,4	91,4
<b>Олар</b>	<b>24,1</b>	<b>102,1</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	2,0	135,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	21,7	100,2
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,5	88,0
<b>Паррандалар</b>	<b>9949,5</b>	<b>109,3</b>

	минг. бош	ўсии суръати, %
--	-----------	-----------------

ишу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	2081,3	122,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4835,0	113,4

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

3033,2	96,3
--------	------

Йирик шохли қорамол

Кўй ва эчкилар

Паррандалар




Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,3 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,4 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,9 ва 3,9 фоизни, қўй ва эчкилар 89,2 ва 4,0 фоизни, отлар 89,9 ва 8,1 фоизни, паррандалар 48,6 ва 20,9 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-мартда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн хисобида 58,2 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 102,2 фоизга кўп), 263,3 минг тонна сут (103,5 фоизга кўп), 242,7 млн. дона тухум (100,1 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

**2018 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиши суръати, %</i>
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тонна</b>	<b>58,2</b>	<b>102,2</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	2,3	183,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	52,9	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,1	101,2
<b>Сут, минг тонна.</b>	<b>263,3</b>	<b>103,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	9,2	134,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	253,8	102,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,3	81,3
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>242,7</b>	<b>100,1</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	31,8	87,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	87,3	103,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	123,5	101,7

**Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби  
(ишлаб чиқарии умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)**



**Фермер хўжаликлари.** 2018 йилнинг январь-мартда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 41,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 7,5 фоизни ташкил қилди.

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 65,2 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 25,1 минг бош сигир, 91,0 минг бош қўй ва эчкилар, 1951 бош от ва 2081,3 минг бош паррандалар мавжуд.

**2018 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	январь-март				2017 январь- марта нисбатан фоиз ҳисобида	
	2017 йил		2018 йил			
	тонна	ишлаб чиқарииш умумий ҳажмидағи улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқарииш умумий ҳажмидағи улуши, фоиз		
Сабзавот	921	28,4	882	27,0	95,8	
Мева ва резаворлар	50	15,5	54	15,7	108,0	
Гўшт, тирик вазнда	1232	2,2	2256	3,9	183,1	
Сут	6839	2,7	9204	3,5	134,6	
Тухум, млн.дона	36,3	15,0	31,8	13,1	87,7	

## **IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ**

2018 йил январь-мартда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 676,8 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,4 фоизни ташкил қилди.

### **Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	млрд.сўм	ўсиши суръати, %	якунга нисбатан фоиз
--	----------	------------------	----------------------

<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>676,8</b>	<b>103,4</b>	<b>100</b>
--	--------------	--------------	------------

*ишу жумладан:*


<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>39,8</b>	<b>92,3</b>	<b>5,9</b>
бюджет маблағлари	27,4	83,8	4,1
давлат мақсадли фонд маблағлари	8,9	132,8	1,3
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	3,5	97,2	0,5
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>637,0</b>	<b>116,9</b>	<b>94,1</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	252,9	163,4	37,4
аҳоли маблағлари	209,1	66,7	30,9
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	9,9	122,2	1,5
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	164,1	3 м	24,2
бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар	1,0	4,1	0,1

**2018 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**


	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>676,8</b>	<b>120,4</b>	<b>556,4</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100	100	100
курилиш-монтаж ишлари	74,0	82,4	72,2
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	23,9	15,5	25,7
Бошқа ҳаражатлар	2,1	2,1	2,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-мартга нисбатан курилиш-монтаж ишларнинг улуси 3,8 фоиз пунктга кўпайди, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуси 1,5 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуси 2,4 фоизли пунктга камайган.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва  
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**



**2018 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари  
бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар  
(жамига нисбатан фоизда)**



- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
- ТОФ – кон саноати
- ишилаб чиқариш саноати
- электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво
- сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йифиш ва қайта ишлаш
- курилиш
- улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мотоциклларни таъмирлаш
- ташиш ва саклаш
- овқатланиш ва яшаш бўйича ҳизматлар
- ахборот ва алоқа
- молия ва суғурта фаолияти
- професионал, илмий ва техник фаолият
- таълим
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш
- санъат, кўнгил очиш ва дам олиш
- жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар
- бошқа фаолият турлари

### Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

2018 йил январь-мартда умумий майдони 120,5 минг кв.м. бўлган 1332 та (2017 йил январь-мартга нисбатан 52,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 115,2 минг кв.м. 53,3 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишилаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 181,7 млрд. сўмни ёки 30,9 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди. Коммунал қурилиш соҳасида 54,4 км узунликдаги ичимлик суви, 14,1 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-мартга нисбатан мос равища 100,2 ва 88,1 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари хисобига 1149,3 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 419,2 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-мартда 509,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 106,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,8 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 12,4 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ҳамда 6,8 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 85,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 496,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,4 фоизни (2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 129,4 фоизни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг  
ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



## **V. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)**

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 18030 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 50,2 фоизи (2017 йил январь-мартда 51,9 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1231,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 53,2 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 105,4 фоизни ташкил қилди;

- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 537,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 95,1 фоизи) ташкил қилди.

- 230,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 46,1 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 83,7 фоизни ташкил қилди.

- 492,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (курилиш ишлари умумий ҳажмининг 96,6 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 104,3 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг ҳажми 204,1 млн.тн.км ўсиш суръати 102,6 фоизни (вилоят жами юк айланмасининг 96,3 фоизи) ташкил қилди, ҳамда йўловчи айланмасининг ҳажми 3095,9 млн. кишини ташкил қилиб ўсиш суръати 102,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,7 фоизи) кўпайди;


-Чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,3 фоизи ёки 2007,4 млрд. сўми (ўсиш 97,1 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равища 74,8 фоизи ёки 1609,5 млрд. сўми (ўсиш 102,2 фоиз) шакллантирилди;

- 46,0 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 70,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 165,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 78,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти  
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши. фоизда**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иши, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	537,9	95,1
Саноат	1231,0	53,2
Қурилиш	492,2	96,6
Чакана савдо	2007,4	90,3
Юк ташиш, млн.тн.	8,3	95,5
Йўловчи ташиш, млн.киши	92,9	93,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	46,0	70,2
Импорт, млн. АҚШ долл.	165,9	78,4

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушкининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



## **VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 апрель холатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 56077 тани ташкил қилиб, шундан 44899 таси ёки 80,0 фоизи фаолият кўрсатмоқда.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасига 34530 та (61,6 фоизи), савдо 5258 та (9,4 фоизи), саноат 4063 та (7,2 фоизи), қурилиш 2038 та (3,6 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1372 та (2,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

### **2018 йилнинг 1 апрель холатига корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича сони**

	Рўйхатга олингланлар		Фаолият кўрсатаётгандар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>56077</b>	<b>100,0</b>	<b>44899</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	34530	61,6	24551	54,7
Саноат	4063	7,2	3837	8,5
Қурилиш	2038	3,6	1867	4,1
Савдо	5258	9,4	4888	10,9
Тташиш ва сақлаш	770	1,4	730	1,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1372	2,4	1299	2,8
Ахборот ва алоқа	427	0,8	398	0,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	512	0,9	505	1,2
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7107	12,7	6824	15,3

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 6,8 фоизи давлат мулки шаклидаги корхоналар ҳисобланади. Нодавлат мулки шаклидаги корхоналар 93,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 9,2 фоизи хусусий корхоналар 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,06 фоизи акциядорлик жамиятлари ва 83,5 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

### **Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)**



